

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олини


№ 110.5-43

20 13 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг

20 13 йил “20 декабр” даги

484-сонли буйруғи билан тасдиқланган



ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ҲАВФСИЗЛИГИ

олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари
умумкасбий ва ихтисослик фанлари педагоглари учун малака ошириш
курсииининг ўқув дастури

Тошкент – 2013

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

Малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2013 йил декабрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Тузувчилар: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов- ТДПУ ҳузуридаги тармоқ маркази директори
п.ф.н. Ф.Т.Эсанбобоев- ЎзМУ ҳузуридаги минақавий марказ директори
м.ф.н. Махамадаминов А.Ғ. – Тошкент тиббиёт врачлар МО институти доценти
Ф.Ф. Хамидуллаев - ТДТУ ҳузуридаги ПКҚТ ва УМО тармоқ маркази катта ўқитувчиси

Тақризчилар: к.ф.н., И.Нигматов - ТДТУ “ҲФҲ” кафедраси доцент
т.ф.н. Р.Н.Кадыров - ТДТУ “ҲФҲ” кафедраси доценти

Ўқув дастурлари Тошкент давлат техника университети Илмий кенгашида тавсия қилинган (2013 йил 19 декабрдаги _____-сонли баённома).

Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илгор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва кўникмаларини ривожлантириш қўзда тутилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар тингловчиларнинг педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларни амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Умумий тайёргарлик модули:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.
- ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.

Умумкасбий тайёргарлик модули:

- Олий таълим педагогикаси ва психологияси.
- Электрон педагогика асослари.
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

- Амалий хорижий тил.
- Тестология асослари.
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.
- Ахборот хавфсизлиги.

Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг долзарб муаммолари.
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг илмий-амалий ривожланиш йўналишлари.
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг тиббий-биологик асослари.

Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги йўналишидаги инновациялар.
- Ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг самарали усуллари ва воситалари.

Танлов фанлари модули.

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб масалалари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни;

- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун хужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишлари жараёнлари қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;
- таълим соҳасидаги инновацияларни;
- жамиятни ва таълимни ахборотлаштириш технологияларини;
- ижтимоий-гуманитар фанларнинг сўнгти ютуқларини;
- мутахассислик фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- ўқитувчининг инновацион фаолиятини;
- замонавий таълим методларини;
- электрон педагогика асосларини;
- ўз бўлажак касбининг моҳияти ва ижтимоий аҳамияти тўғрисида;
- хавф-хатарларни идентификациялаш;
- хавфсизликни таъминлаш тамойиллари, услублари ва воситаларини таҳлил қилиш;
- фаолиятнинг хавфсиз шароитларини лойиҳалаш;
- ишлаб чиқариш санитарияси ва меҳнат гигиенаси тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;
- ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қабул қилинган қонун хужжатлари ва бошқа меъёрий-ҳукуқий хужжатларнинг асосий талабларини;
- фаолият хавфсизлиги шароитларини яратишда мансабдор шахсларнинг вазифалари ва жавобгарликларини;
- ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва қасб касалликларини таҳлил қилиш услубларини;
- хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг юзага келишининг олдини олиш усувларини ***билиши*** керак.

Тингловчи:

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва прогноз қилиш;
- таълим сифатини назорат қила олиш;
- ўқув-методик хужжатларни яратা олиш;
- таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишнинг самарали шаклларини танлаш;

- электрон ўқув материаларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- шахсий педагогик ва методологик маданиятни ривожлантириш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- ишлаб чиқариш тармоқларида хавфсиз иш шароитини ташкил этишни;
- электр қурилмалари, ускуналар, машина ва механизмларни ишлатганда, техник хизмат кўрсатганда ва таъмирашда кўриладиган асосий техника хавфсизлиги талаблари;
- зарарсиз иш шароитини таъминловчи умумий ва шахсий ҳимоя қилиш воситалари;
- ёнғин чиқиш сабаблари, уларни олдини олиш ва ўчиришнинг ташкилий ва техник воситалари;
- фавқулодда вазиятлар турлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатларини таҳлил қилиш услублари;
- фавқулодда вазиятларда инсонлар ва моддий бойликларни сақлаш ва қутқариш тамойиллари, услублари ва воситалари;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- педагогик мониторинг олиб бориш;
- Ижтимоий-гуманитар фанлар диагностиканинг замонавий методларидан фойдаланиш;
- мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- жамоа ва шахсий муҳофаза воситаларидан фойдаланиш қоидалари ва тартибини билиш;
- жабрланганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсата олиш;
- фуқаро муҳофазаси нормативларини тез ва қатъийлик билан бажариш;
- техника, электр ва ёнғин хавфсизлиги талаб ва меъёрларини тез ва қатъийлик билан бажариш;
- мутахассислик фанларини ўқитишининг дидактик таъминотини яратиш;
- коммуникатив вазифаларни хал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Курсни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Модулларни ўқитишида дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб

борилади ва кичик гурухларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш курси 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

«Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги»
малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркиби
мазмуни

I. Умумий тайёргарлик модули

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндошувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимоӣ ҳаётининг сиёсий институтлар, гоялар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамият ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурити. “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлашириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият қуришнинг муҳим шарти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти эканлиги. Мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлашириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидағи замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиши. Миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фандастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий хужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

1.3. ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.

Умумий сифат менежменти тушунчаси, унсурлари, асосий ғояси ва тамойиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва босқичлари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёнининг сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳиятини баҳолаш мезонлари. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битирудувчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. Олий таълим муассасаларининг рейтинги. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

Таълимдаги инновацион технологиялар. Олий таълим муассасасида ўқув-услубий фаолиятни модернизациялашнинг асосий йўналишлари.

Инновацион таълим технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш. Халқаро ҳамкорлик ва хориж тажрибаси. Профессор-ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари, чет тиллар ва педагогик технологиялар бўйича саводхонлигининг ошириш масалалари.

Олий таълимнинг электрон ахборот-ресурслари ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминотини янада ривожлантириш.

II. Умумкасбий тайёргарлик модули

2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб масалалари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари. Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

2.2. Электрон педагогика асослари.

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча. Ахборот – коммуникация технологияларининг воситалари. Янги ахборот технологиялари, ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристикиаси. Замонавий коммуникация технологиялари. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш. Ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари. Электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби. Таълимий ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилари, ташувчилари. Ўқитишининг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмаларини яратишининг дидактик принциплари. Ўқитишининг интерфаол технологиялари.

2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информацион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогик муроҷот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилиятлари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараённи технологик лойиҳалаштириш.

2.4. Амалий хорижий тил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва муроҷотларни

ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг учта асосий даражаси. Сўз бирикмалари атрофида мулоқот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишида, бўш вақтларда бўладиган сухбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий мулоқот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид мулоқот. Йирик, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўникмаси. Фикрни равон ифодалаш. Чет тилида бўлган интернет матнларининг асосий ғоясини тушуниш. Таржима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

2.5. Тестология асослари.

Тестология тушунчаси. Тестологиянинг тавсифи. Тестология ва унинг фаолият соҳалари. Тестологиянинг фан сифатида шаклланиш босқичлари.

Тест тузиш методикаси. Тестларнинг турлари, мазмuni ва кўрсаткич нормалари. Тестларнинг стандарт меъёрлари. Ёш нормалари. Гурухий нормалар. Нисбий норма. Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари. Ижтимоий-гуманитар ва аниқ-табиий фанлар бўйича тест тузиш тартиби. Тест саволларини Давлат тест марказига тақдим этиш форматлари.

2.6. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳақида тушунча. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади ва вазифалари. Фаолият хавфсизлигини таҳлил қилиш. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг асосий тушунчалари, мазмuni. Хавфлар, уларнинг таснифи. Фаолият хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, услублари. Фаолият хавфсизлиги психологияси. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган меъёрий-хукукий хужжатлар. Ўзбекистон шароитида техноген вазиятлар ва фавқулодда ҳолатларда таълим муассасаларида ходимлар, ўқувчи-талабалар ҳаракатини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш. Экологик маърифат ҳақида тушунча. Экологик таълим-тарбия мазмuni, методикаси. Экологик маданият ва уни барқарор тараққиётини таъминлашда тутган ўрни.

2.7. Ахборот хавфсизлиги.

Ахборот хавфсизлиги ва уни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг хукукий асослари. Ахборот хавфсизлиги турлари. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Логин ва пароль тушунчаси. Идентификация ва аутентификация. Конфиденциал ахборот. Ахборот хавфсизлигининг концептуал модели. Ахборотларни химоялашнинг криптографик усуллари. Электрон ракамли имзо ва ундан фойдаланиш. Интернет тизимидан олинаётган ахборотларнинг ишончлилиги, ўкув

жараёнида Интернет манбаларидан фойдаланиш ва уларнинг ўкув мақсадларига мослиги.

III. Умуммутахассислик тайёргарлик модули

3.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг долзарб муаммолари

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳақида тушунча. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади ва вазифалари. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг таркибий қисмлари ва уларнинг текшириш объектлари. Фаолият хавфсизлигини таҳлил қилиш. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг асосий тушунчалари, уларнинг мазмуни. Хавфлар, уларнинг таснифи. Фаолият хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, услублари. Техносферада хавфсизликни таъминлаш воситалари. “Инсон - муҳит” тизимида инсон омили. Фаолият хавфсизлигини таъминлашнинг эргономик асослари. Фаолият хавфсизлиги психологияси. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг иқтисодий жиҳатлари. Ишлаб чиқаришда фаолият хавфсизлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган асосий қонунлар, стандартлар, низомлар, қоидалар ва меъёрий ҳужжатлар тизими. Фаолият хавфсизлиги қонун – қоидаларга амал қилинишини назорат қилиш тизими, қоида ва талабларни бузганда тортиладиган жавобгарликлар. Ишлаб чиқаришда фаолият хавфсизлигини бошқариш тизими. Хавфсизликни таъминлашга оид тадбирларини режалаштириш, маблағ билан таъминлаш. Ишловчиларни фаолият хавфсизлиги талабларига амал қилишга ўқитиш тизими. Ишлаб чиқаришда фаолият жараёни вақтида юзага келадиган жароҳатланишлар ва касб касалликлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, таҳлил қилиш, олдини олиш тадбирлари, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари.

3.2. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг илмий-амалий ривожланиш йўналишлари

“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши ўкув модулининг ўзига хос жиҳатлари. Модулнинг ўқитишнинг мақсади ва вазифалари. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг замоновий концепцияси ва истиқболлари. Соҳадаги замонавий технологиялар. Технологияларни амалиётга тадбиқ этиш йўллари. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган илмий изланишлар ва уларнинг амалиёт билан уйғунлиги.

3.3. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг тиббий-биологик асослари

Инсон меҳнат фаолиятининг физиологик-гигиеник асослари. Инсон меҳнат фаолиятига таъсир этувчи салбий омиллар, уларнинг турлари, моҳияти ва ҳимояланиш усуллари. Инсон меҳнат фаолиятининг турлари, физиологик таъсири. Меҳнатнинг физиологик асослари. Меҳнат жараёнида ишловчининг ишлаш қобилиятини пасайиши ва зўрикиши.

Ишлаб чиқаришнинг санитарияси ва гигиенаси меъёрлари, мазмуни. Техносферада ҳаво муҳитининг кўрсаткичлари, уларнинг меҳнат фаолиятига таъсири, ишлаб чиқариш микроклимининг гигиеник меъёрлари, уларнинг инсон организмига таъсири. Ишлаб чиқаришда мўътадил об-ҳаво шароитини яратиш. Техносфера ҳавоси таркибидаги ишлаб чиқариш чанглари ва заҳарли моддаларнинг инсон организмига салбий таъсири, уларга қарши чора-тадбирлар.

Республикада “ҳалокатлар тиббий хизмати”нинг ташкил этилиши ва унинг асосий вазифалари. Жабрланганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг тартиб ва қоидалари. Юрак-ўпка реанимацияси (қайта жонлантириш)ни ўтказиш қоидаси. Томирлардан қон кетиши, турлари, вақтинча тўхтатиш усуллари. Суяқ синганда кўрсатиладиган бирламчи тиббий ёрдам. Узоқ вақт босилиш синдромида жароҳатланганларга кўрсатиладиган бирламчи тиббий ёрдам. Сувга чўккан одамга, музлаган, электр токи урган инсонларга тиббий ёрдам кўрсатиш. Табиий офат, авария ва катастрофаларда жабрланганларни тиббий саралаш (триаж) қоидалари. Жабрланганларни транспортировка қилишда ёрдам кўрсатиш.

IV. Мутахассислик тайёргарлик модули

4.1. "Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги" йўналишидаги инновациялар

Модул соҳасидаги янгиликлар, техник ва технологик жараённинг ўсиши. Соҳадаги янги лойиҳалар. Фан, техника ва ишлаб чиқариш интеграцияси. Мутахассисларнинг инновацион салоҳиятларини ривожлантириш ва инновацион фаолият тузилмаси. Мутахассислик фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндашувлар.

4.2. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг самарали усуллари ва воситалари

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрдаги “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ти қонуннинг мазмун-моҳияти.

Ёнғин офати, унинг келиб чиқиш сабаблари, омиллари, турлари, ёниш фазалари ва уларнинг хусусиятлари. Иқтисодиёт тармоқлари бинолари, иншоотлари ва қурилиш материалларининг ёнғинга қарши бардошлилик даражалари. Ёнғинга қарши курашиш хизмати. Ёнғинга қарши техник воситалар. Ёнғинни ўчириш усуллари ва воситалари, турлари, хусусиятлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ёнғин офатида иншоотлардаги фуқароларни эвакуация қилиш тартиби, ёнғинга қарши тўсиклар, хусусиятлари, ёнғин даракчилари ва алоқа тизими. Портлаш ҳодисаси, унинг хусусиятлари, унга қарши чора-тадбирлар. Портлашнинг салбий таъсирлари.

V. Танлов фанлари модули

Мутахассислик, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда педагогик фанлар йўналишлари бўйича тингловчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб марказ танлов фанлар модулининг таркибий қисми ва мазмунини белгилайди.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича қўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг долзарб муаммолари, ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг илмий-амалий ривожланиш йўналишлари, ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг тиббий-биологик асослари, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанларини ўқитишдаги инновациялар, илғор хорижий тажрибалар мавзулари доирасида олиб борилади. Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этилади.

Мустақил соатларни ташкил этишининг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил соатларни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Малакавий иш.
- Тақдимот (танланган мавзу асосида тақдимот тайёрланади).
- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.
- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойихалаш.
- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Малакавий иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб, уни бажаришда қуидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул вараги;
- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- фойдаланган адабиётлар рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни муроала қилиш;
- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- мультимедиа дарсликларини яратиш мезонлари;
- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;

- касбий педагогика муаммолари;
 - интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва муроала қилиш;
 - малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;
 - дарснинг маърузаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;
- Ҳаёт фаолияти хавфизлиги йўналиши бўйича дарслик ва электрон ўқув-ресурслари, тарқатма материаллардан мустақил фойдаланиш;
 - тингловчининг ўзи ўқитаётган Ҳаёт фаолияти хавфизлиги йўналиши фанлари бўйича электрон дидактик манбаларни яратиш;
- Малакавий иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

Тавсия этилаётган мустақил иш мавзулари:

- Кадрлар тайёрлаш миллий модели.
- Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.
- Шахснинг ривожланиши, тарбияси ва ижтимоийлашуви.
- Замонавий педагогик технологиялар орқали мутахассислик фанларини ўқитишни лойиҳалаш.
- Ахборот – коммуникация технологиялари воситаларидан таълим жараёнида фойдаланишнинг истиқболли йўналишлари ва келажаги.
- Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи, намойиш этувчи дастурлар, назорат қилувчи дастурлар, ўргатувчи дастурлар, дастурий воситаларнинг дидактик имкониятлари.
- Эксперт-ўргатувчи тизимлар, автоматлаштирилган ўргатувчи тизимлар, фойдаланувчи ва педагогик-дастурий воситаларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш методлари.
- Педагогик-дастурий воситалар яратиш тамойиллари.
- Педагогик дастурий воситаларда ўқув фаолиятини бошқариш.
- Талабаларда эркин фикрлашни шакллантиришда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг психологик аҳамияти.
- таълим тарбия ва ақлий тараққиёт.
- баркамол шахсни тарбиялаш методлари ва йўналишлари.
- талабаларнинг аҳлоқий маданиятини шакллантиришда ўқув-тарбия жараёни имкониятларидан фойдаланиш.
- Таълим жараёни ягона педагогик тизим сифатида. Таълим тамойиллари.
- Фаолият хавфизлигини таъминлашнинг эргономик кўрсаткичларини таҳхил қилиш.
- Иш ўрнини ташкиллаштиришнинг талаблари.
- Инсон антропометрик кўрсаткичларининг фаолият хавфизлигига таъсири.

- Фаолият хавфсизлигини таъминлашда психологик омилларнинг аҳамияти.
- Ўзбекистон Республикасида ҳаёт фаолият хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатлар тизими.
- Шовқин ва титрашдан ҳимояланиш техник воситаларининг гурухланиши ва тузилиши.
- Машина ва механизмлар учун техника хавфсизлиги талаблари келтириладиган меъёрий ҳужжатлар тизими.
- Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати.
- Ёнгидан ҳимояланишининг замонавий техник воситалари.
- Халқаро терроризм ва террористик ташкилотлар.
- Ўзбекистонда бўлиши мумкин бўлган техноген хавфлар.
- Марказий Осиёда бўлиши мумкин бўлган табиий хавфлар.
- “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун бандларини ўрганиш.
- Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими(ФВДТ)нинг структуравий тузилишини ўрганиш.
- Хавфсизликни таъминлаш тамойиллари ва услубларини таҳлил қилиш.
- Фаолиятнинг турли босқичларида хавфсизлик шартларини таҳлил қилиш.
- Фаолият хавфсизлигини таъминлашнинг эргономик кўрсаткичларини таҳлил қилиш.
- Иш ўрнини ташкиллаштиришнинг талаблари.
- Инсон антропометрик кўрсаткичларининг фаолият хавфсизлигига таъсири.
- Фаолият хавфсизлигини таъминлашда психологик омилларнинг аҳамияти.
- Ўзбекистон Республикасида ҳаёт фаолият хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатлар тизими.
- Инсоннинг физиологик ва психологик тавсифларининг хавфсизликни таъминлашдаги аҳамияти.
- Одам анатомиясининг (антропометрик параметрларининг) хавфсизликни таъминлашдаги аҳамияти.
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашга оид халқаро тажриба ва изланишлар тахлили.
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашга оид чет давлатларда қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар тахлили.
- Шовқин ва титрашдан ҳимояланиш техник воситаларининг гурухланиши ва тузилиши.
- Машина ва механизмлар учун техника хавфсизлиги талаблари келтириладиган меъёрий ҳужжатлар тизими.
- Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати.

- Республика бўйича ёнгинлар содир бўлиши ва уларда кўриладиган заарлар тўғрисида статистик маълумотлар таҳлили.
- Ёнгиндан ҳимояланишнинг замонавий техник воситалари.
- “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун бандларини ўрганиш.

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида замонавий методларни, педагогик ва ахборот технологияларни кўллашни:

- модулларнинг барча маърузалари бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлашни;
- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни;
- тингловчиларнинг илфор тажрибаларни ўрганишни ва оммалаштиришни назарда тутади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012
2. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
8. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
9. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
- 10.И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». – Т.: 2008.-176 б.
- 11.И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
- 12.«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Ҳалқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
- 13.Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
17. “Меҳнат Кодекси”. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2005 й., 37-38 -сон.
18. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. –Т.: 2002 й., 1-сон.
19. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг Қарори № 286, 06.06.1997, –Т.: 1997.
20. “Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон.
21. “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, –Т.: 2009 й., 16-сон.
22. Безопасность жизнедеятельности. /Под.ред. Михайлова Л.А. Киев – Харьков – Минск, 2007. 301 с.
23. Yormatov G‘.YO. va boshqalar. Hayot faoliyati xavfsizligi. –Т.: “Aloqachi”, 2009 yil. – 348 b.
24. Ёрматов F. Ё. ва бошқалар. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. -Т.: 2005.
25. Ў. Йўлдошев ва бошқалар. Меҳнатни муҳофаза қилиш. -Т.: Меҳнат, 2005.
26. Микрюков В.Ю. Безопасность жизнедеятельности. Уч.пособие. Ростов – Дон. 2006.

- 27.Норхўжаев А.Қ., Юнусов М.Ю. Фавқулодда вазиятлар ва муҳофаза тадбирлари. –Т.: „Университет”, 2001.
- 28.Nigmatov I., Tojiev M. X. "Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi" Darslik.-T.: Iqtisod-moliya. 2011. -260 b.
- 29.Tojiev M. X., Nigmatov I., Ilhomov M. X. «Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi» O'quv qo'llanma. –Т.: “Iqtisod-moliya”, 2005. -195 b.
- 30.Тожиев М.Х., Нигматов И ва б. "Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси". Ўқув қўлланма. –Т.: МЧЖ., Таълим манбай, 2002. - 224 б.
- 31.G'oyipov H.E. Hayot faoliyati xavfsizligi. –Т.: “Yangi asr avlodi”, 2007 yil. – 264 b.
- 32.Qudratov A. va b.. "Hayotiy faoliyat xavfsizligi". Ma'ruza kursi. “Aloqachi” -Т.: 2005. -355 b.
- 33.Юнусов Б. Руководство по охране труда. Т. 2004.

Интернет маълумотлари:

- | | |
|---|---|
| 1. www.press-service.uz | Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Матбуот маркази сайти |
| 2. www.gov.uz | Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти
портали |
| 3. www.lugat.uz ,
www.glossaiy.uz | Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli
lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme |
| 4. www.infocom.uz | Infocom.uz электрон журнали |
| 5. www.bilim.uz . | - ОЎМТВ сайти |
| 6. www.ziyo.edu.uz | - ОЎМТВ сайти |
| 7. www.ziyo.net.uz | - ОЎМТВ сайти |
| 8. www.mintrud.uz | - Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш
вазирлиги сайти. |
| 9. www.minzdrav.uz | - Соғлиқни сақлаш вазирлиги сайти. |
| 10. www.mchs.gov.uz | - Фавқулодда вазиятлар вазирлиги сайти. |
| 11. www.uznature.uz | - Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси
сайти. |
| 12. www.standart.uz | - Стандартлаштириш, метрология ва
сертификатлаштириш агентлиги сайти. |
| 13. www.sanoatktn.uz | - Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший
секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини
назорат қилиш давлат инспекцияси
(Саноатконтехназорат) сайти. |
| 16. LexUz | - Ўзбекистон Республикасининг миллий
қонунчилик базаси. |

- 17. <http://www.hsea.ru> - Охрана труда. Промышленная и пожарная безопасность. Предупреждение чрезвычайных ситуаций.
- 18. <http://www.znakcom-plect.ru> - Охрана труда и техника безопасности.
- 19. www.ohranatruda.ru - Охрана труда, техника безопасности и пожарной безопасности.
- 20 <http://ipb.mos.ru/ttb> - Интернет журнал “Технологии техносферной безопасности”